

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Алишер Олимович Эсанов,
Тошкент Давлат техника университети
катта ўқитувчиси

ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР

For citation: Alisher O. Esanov, SOME REFLECTIONS ABOUT THE LIFE AND WORKS OF THE FOUNDER OF UZBEK ROMANISM ABDULLA KADIRI. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.193-196

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583225>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: янги, адабиёт, романчилик, мадраса, ижтимоий-маданий жараёнлар, мақола, асар, таълим, рус-тузем мактаби.

Алишер Олимович Эсанов,
Старший преподаватель Ташкентского
Государственного Технического университета

НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВЕ ОСНОВАТЕЛЯ УЗБЕКСКОЙ РОМАНИСТИКИ АБДУЛЛЫ КАДИРИ

АННОТАЦИЯ

В статье представлены научные выводы о жизни и творчестве Абдуллы Кадири, великого представителя новой узбекской литературы XX века, основоположника узбекских романов.

Ключевые слова: новое, литература, роман, медресе, социокультурные процессы, статья, работа, образование, русскоязычная школа.

Alisher O. Esanov,
Senior teacher of Tashkent State Technical University

SOME REFLECTIONS ABOUT THE LIFE AND WORKS OF THE FOUNDER OF UZBEK ROMANISM ABDULLA KADIRI

ABSTRACT

The article presents scientific conclusions about the life and work of Abdullah Kadiri, the great representative of the new Uzbek literature of the 20th century, the founder of Uzbek novels.

Index Terms: new, literature, novel, madrasah, socio-cultural processes, article, work, education, Russian-language school.

1. Долзарблиги:

Ўзбек адабиётининг йирик намояндalarидан бири Абдулла Қодирий (Жулқунбой) 1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳри Бешёғоч даҳа, тўртинчи Эшонгузар маҳалласида туғилган. Отаси Қодир бобо йигитлик чоғларида хонларга сарбозлик ҳамда савдо билан шуғулланган, кейинчалик, кексайғач, боғбонлик қилиб кун кечирган. Онаси Жосият биби уй бекаси бўлган.

Абдулла Қодирий – ёрқин, барчага кенг маълум шоир ва ёзувчи, драматург ва публицист, XX аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек адабиётида роман жанри асосчиси ҳисобланади.

Абдулла Қодирий маънавий меросининг ўрганилиши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Мақола манбалар таҳлили, илмий қарашлар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлили, тарихий маълумотларни умумлаштириш ва холислик тамойили усулларида фойдаланилган ҳолда ёзилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Абдулла Қодирий 20-йиллардаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиб, дастлаб 1904-1906 йилларда мусулмон мактабида, 1908-1912 йилларда рус-тузем мактабида, 1916-1917 йилларда Абулқосим шайх мадрасасида таълим олади. 1925-1926 йилларда Москвадаги адабиёт курсида ўқийди.

Абдулла Қодирий 1914 йили Раҳбарниса Расулмуҳаммадбой қизига уйланади. Улардан Назифа (1916), Ҳабибулла (1918), Адиба (1924), Масъуд (1928) ҳамда Аниса (1928) исмли фарзандлар дунёга келади.

Абдулла Қодирий ижодий фаолиятининг бошланиши 1910 йилларнинг ўрталарига тўғри келади. “Садои Туркистон” газтасининг 1914 йил 1 апрел сониди, “Тошкент хабарлари” устунида “Янги масжид ва мактаб” сарлавҳали хабар босилади. Орадан кўп ўтмай, унинг, “Тўй”, “Аҳволимиз”, “Миллатимга”, “Фикр айлагил” каби шеърлари, “Бахтсиз куёв” драмаси, “Жувонбоз” ҳикояси чоп этилади. Адиб ижодининг бошланиш даври намуналари бўлган бу асарларда маърифатпарварлик руҳи, жадидчилик кайфияти сезилади.

1916 йилда “Улоқда” ҳикояси билан дунё адабиётдаги назарий мезонларга мос келадиган ўзбек реалистик ҳикоячилигини бошлаб берди. Юзлаб публицистик мақолалар, ҳажвий асарлар ёзди.

1920 йилда эса, “Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида”, “Тошпўлат тажанг нима дейдир?” каби сатирик ҳикоялар ижод қилади. Адиб кулгуси “характер кулгуси” даражасига етди. Ҳаётни кузатди – инсонийлик аъмолига номувофиқ воқеаларга нисбатан турли йўсинда ҳажвий-танқидий муносабатларини билдирди. Шу жараёнда “фельетонлар қироли” номини олди. Ўз даврининг айрим адиблари билан матбуотда баҳслашди. “Жасорат – айб эмас”, “Шаллақи”, “Ўжар кўр” номли мақолалари баҳслар натижасида яратилган.

1917 йилги октябрь ойидаги давлат тўнтаришидан сўнг 1918 йилда Эски шаҳар озиқа кўмитасининг саркотиби, 1919 йилда эса “Озиқ ишлари” газетасининг муҳаррири, 1920 йилда касабалар шўросининг саркотиби, 1923-1926 йилларда “Муштум” журнали ташкилотчиларидан бири сифатида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади. 1924 йили Абдулла Қодирий Москвага бориб, Журналистлар институтида таҳсил олади. Москвадан қайтиб “Муштум” журналида штатсиз мухбир бўлиб ишлай бошлайди. Унинг “Тошпўлат тажанг нима дейди?” ва “Калвак маҳзумининг хотира дафтарида” туркумидаги сатирик ҳикоялари ана шу журналда илк бор босилиб борди. А.Қодирийнинг асарлари вақтли матбуотда Жулқунбой, Жу-бой, Думбулбой, Думбулниса, Калвак Маҳзум, Тошпўлат тажанг, Овсар каби ўнлаб махфий имзолар билан босилиб туради. 1923 йили “Гўзал ёзғичлар”да босилган “Жинлар базми” ҳикояси билан кейинги нусхалари таққосланганда адиб ўз

асарлари устида қайта-қайта ишлагани, унинг бадиияти ва ҳаётийлик жиҳатларига жиддий диққат қилганлиги аён бўлади. Абдулла Қодирий ўз ижодий тақдирини матбуот билан боғлади. 1926 йилда “Муштум” ойномасининг 1928 йилги 27-сонида Овсар имзоси билан “Йиғинди гаплар” мақоласи эълон қилинади. Айнан шу мақоласидаги “юқори раҳбарларга тегадиган қалтис гаплари” учун, айрим муттаҳам ҳамкасблари оқибатида адиб 1926 йили 8 март куни камокқа олинади. “Абдулла Қодирий – Жулқунбойнинг 1926 йил 15-17 июнда бўлиб ўткан судда сўзлаган нутқи”да ўша мақоланинг моҳияти, сатирик жанр табиати, кулгининг типлари таҳлил қилиниб, ундаги мулоҳазалар “Овсар” тилидан фақат ишчи-деҳқон манфаати кузатилиб айтилгани”га, “ҳукумат кишиларига бўлган гаплар, ўртоқлик ҳазили” эканига урғу берилади. Чақимчилар хусусида ёзади: “Аммо бир неча шахслар бу мақолани ўзларининг, билмадим, қандоғдир тарозуларига солиб, зарарлик топишлари эрса ғаразғўйлик, тирноқ остидан кир излашдан бошқа нарса эмасдир”. Адиб ўз ижодини, ўзи ёзган фикрларни, ўзининг ҳақлигини жасорат билан исбот этади ва айтадики: “Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса “эх” дейдирган йигит эмасман”. Адиб Ўзбекистони Жиноят Қонунлари мажмуасининг «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш» деган моддаси билан қораланади. Қарийб уч ойлик сўроқ-терговдан сўнг, ёзувчи судда ўзининг ҳақлигини исботловчи ёзма нутқини ўқиб берадилар.

Ўзбек романчилигининг асосчиси А.Қодирий 1924-1926 йилларда “Ўтган кунлар” романи чоп этилди. Аслида у 1917-1918 йиллардан бошлаб “Ўтган кунлар” романи учун материал йиғишга киришган эди. 1922 йилда биринчи ўзбек романининг дастлабки боблари “Инқилоб” журналида чоп этила бошланди. 1925-1926 йилларда “Ўтган кунлар” уч бўлим ҳолида китоб бўлиб нашр этилди. 1929 йилда эса “Меҳробдан чаён” романларини ёзади.

У 1928 йилда Абдулла Шуносийнинг “Физика”, 1935 йилда Н. В. Гоголнинг “Уйланиш”, 1936 йилда А.П.Чеховнинг “Олчазор” асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Навбатдаги йирик асарларидан бири, адиб 1932–1934 йилларда замонавий мавзуда ёзган “Обид кетмон” қиссаси 1935 йили алоҳида китоб ҳолида нашр қилинади. Табиийки, адибнинг ҳажвчи, журналист, публицист ва таржимон сифатидаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир.

Гарчанд адиб оригинал асарлар ёзиб, ўз халқининг маънавияти хазинасини бебаҳо дурдоналар билан бойитаётган бўлса ҳам, мустабид тузум малайлари уни душманликда айблади. Абдулла Қодирий манглайига қатағон қурбонлари силкига тизилишдек бир қисмат битилган экан. Адиб 1937 йил 31 декабрь куни ҳибсга олиниб, 1938 йил 4 октябрида халқ душмани сифатида қатл этилади. “Менга қўйилган айбларни бошдан оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман...” - деган эди у.

Адиб “Амир Умархоннинг канизи”, “Намоз ўғри”, “Даҳшат” каби романлар яратиш орзусида бўлгани ҳам маълум. Аммо бевақт ўлим орзулари рўёбга чиқишига имкон бермади.

А.Қодирийнинг асарлари 1956 йилдан бошлаб оқланган. А.Қодирий 1991 йилда Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати, 1994 йилда эса, “Мустақиллик” ордени билан мукофотланган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Абдулла Қодирий ёзган асарлар хусусида ўша даврнинг Вадуд Маҳмуд, Абдурахмон Саъдий, Миёнбузрук Солиҳов каби мунаққидлари матбуотда турли йўсинда фикр билдиришди. Сотти Ҳусайнинг “Ўткан кунлар” романи танқидига бағишланган алоҳида китоби босилди. Ойбек эса “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” номли маҳсус тадқиқот ёзди.

Абдулла Қодирий адабий мероси ўзидан кейинги ўзбек адиблари ижоди учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Қардош халқларнинг романнавислари адибни ўзларига устоз сифатида эътироф этишди. Ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига оид И. Султон, М. Қўшжонов, У. Норматов, А. Алиев, И. Мирзаев, Ф. Насриддинов, С. Мирвалиев, Н. Каримов, Ш. Турдиев, А. Расулов, Х. Умуров, Х. Исмагуллаев, С. Мелиев, Ш. Ризаев, А. Улуғов, М. Қаршибоев, Х. Лутфиддинова, И. Ғаниев, А. Бобониёзов, С. Тўлаганова, А. Қахрамонов, Л. Тошмуҳаммедова ва бошқа турли авлодга мансуб

олимларнинг китоблари, ўнлаб илмий мақолалари, махсус тадқиқотлари майдонга келди. Адиб авлодлари – Ҳ. Қодирий “Отам ҳақида”, “Қодирийнинг сўнгги кунлари”, Ш. Қодирий “37-хонадон” каби ўз ота-боболари тўғрисида қимматли китоблар ёзишди. О. Ёқубов, П. Қодиров, Т. Малик, Ў. Ҳошимов, Х. Султон, Х. Дўстмуҳаммад, Н. Боқий ва бошқа ўзбек адибларининг эътиборга молик адабий мақолалари, суҳбатлари, бадиий асарлари пайдо бўлди. Шунингдек, қодирийшунос сифатида Н. Тун, И. Балдауф, З. Клайнмихел, Э. Олворт, Х. Мурфи, Э. Наби, А. Мерхан каби хорижлик олимлар адиб ижоди юзасидан тадқиқотлар олиб боришди.

Қодирийнинг асарлари ўзбек халқи ҳаётига бағишланган. Абдулла Қодирийнинг нашр этилмаган XX асрнинг йигирманчи йиллари ёзилган сахна асари асосида режиссёр Марк Вайль ўзининг Тошкентдаги Илҳом театрида “Оппок қора лайлак” сахна асарини қўйган.

4.Хулосалар:

Хуллас, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, адиб ижодий меросидан, хусусан, “Ўткан кунлар” романидан баҳраманд бўлиш – бу доимо давом этадиган, авлодлар наздида янгиланиб турадиган соғинчли, айна дамда, ўтмишга айланмайдиган адабий ва абадий қадриятлар сирасига киради.

Ҳозирги кунда эса бир қатор кўчалар, боғлар, мактаблар, кутубхона, маҳалла ва олий билимгоҳлар унинг табаррук номи билан юритилади. Унинг номидаги Тошкент Давлат Маданият олий билимгоҳида энг билимдон талабаларга Абдулла Қодирий номидаги нафақа берилади. Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Қодирийга таъриф берганда у- адиб, унвони эса, инсон, севгани - халқ, ҳаёти -абадий зот бўлиб қолгани ҳақиқатдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хондамир Қодирий. Абдулла Қодирий. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. -326. (Xondamir Kodiriy. Abdullah Kodiriy. A. Kodiriy National Heritage Publishing House, 2004. -32p).
2. Абдулла Қодирий. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-qodiriy/> (Abdullah Kodiriy. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-qodiriy/>)
3. Абдулла Қодирий (1894-1938) | www.ziyouz.uz Abdullah Kodiriy (1894-1938) | www.ziyouz.uz
4. Абдулла Қодирий. Куёш билан ҳам курашаман (ҳикоя) | www.ziyouz.uz (Abdullah Kodiriy. I also struggle with the sun (story) | www.ziyouz.uz)
5. Абдулла Қодирий (1894-1938) (e-adabiyot.uz) (Abdullah Kodiriy (1894-1938) (e-adabiyot.uz)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000